



## ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ИШЛАРНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 16 ноябрь кuni геология соҳасини модернизация қилиш, инвестициялар жалб этиш ҳамда геология-қидирув ишларини кенгайтириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Охириги уч йилда ушбу соҳага катта маблағ ажратилиб, технологияларни янгилаш, илм-фанни тиклаш ва кадрлар тайёрлаш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Замонавий техникалар қўлланаётгани натижада бургилаш аниқлиги ва унумдорлиги ошди. Ерости бойликларининг захираси ҳам, прогноз ресурслари ҳам кўпайди.

Йиғилишда бу борадаги ишларни изчил давом эттириб, соҳанинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш, давлат корхоналарини ислоҳ қилиш бўйича кейинги даврдаги асосий вазифалар муҳофизат қилинди.

Давлатимиз раҳбари геология-қидирув ишларини ошириш ҳисобига 2021-2022 йилларда минерал хомашё базасини кескин кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Соҳага хорижий инвесторларни жалб қилиш учун геология-қидирув ишларини ташкил этишга бўлган ёндашувни ҳам ўзгартириш керак. Шу мақсадда истиқболли майдонларни шакллантириш, уларни хорижий инвесторларга бериш, геологик қидирув ўтказиш ва солиққа тортиш тизимларини халқаро тажриба асосида такомиллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

31 та стратегик фойдали қазилма майдон ва конлар жойлаштирилган онлайн аукционга чет эллик сармоядорларни кенг жалб этиш муҳимлиги айтиб ўтилди.

— Геология соҳасида 50 фоиз вақт инвестиция билан шуғулланишга сарфланиши керак. Инвестиция келмаса, геологияда вазият ўзгармайди. Узоқ йиллик мавҳум режалар эмас, қисқа муддатли, аниқ ва натижадор режалар керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Етакчи аудиторлик ва консалтинг компаниялари билан ҳамкорликда соҳадаги давлат корхоналарини трансформация қилиш бўйича "йўл хариталари" ишлаб чиқиш вазифаси кўйилди.

Соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фанни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. "Ўзгеорангмет-ЛИТИ" институтига илгор тажрибага эга хорижий компания жалб қилиниши белгиланди.

Йиғилишда мутасаддилар 2021-2022 йилларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар юзасидан ахборот берди.

ЎЗА

## Замонавий кластер

Тошкент вилоятининг Қуйичирчиқ туманида ташкил этилган, юртимиздаги йирик ва замонавий кластерлардан бири — "TCT Cluster" 2018 йилда бир қанча тармоқларни ўзида бирлаштириб, уларда хомашёдан тортиб то тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараён занжирини яратиш мақсадида иш бошлаган эди. Бугун балиқчилик, пахтачилик, ғаллачилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли қайта ишлашда самарали натижаларга эришаётган корхонада яна бир мажмуа — шолини қайта ишлашга ихтисослаштирилган, Марказий Осиёдаги энг катта завод ишга туширилди.



Музаффар Абдуллаев олган сурат.

## ДАЛАДАН — ЭКСПОРТГАЧА

### ЎЗБЕКИСТОНДА ШОЛИНИ ҚАЙТА ИШЛОВЧИ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭНГ ЙИРИК ЗАВОД ОЧИЛДИ

Умумий қиймати 25 миллиард сўмдан зиёд лойиҳанинг амалга оширилиши билан "TCT Rice" МЧЖда кластер услубида шолни етиштириш ва уни чуқур қайта ишлаш бўйича тўлиқ саноат занжирини яратилди. Завод маҳсулотлари Ўзбекистон озиқ-овқат саноатида янги бренд — "Marfield" ёрлиги остида чиқарилади.

Ер майдони 6 гектарга тенг мажмуа ўзида хирмон майдони, сизими 15 минг тонналик 2 та ёпиқ омбор, шолини тозалаш ва қуритиш цехи ҳамда қайта ишлаш заводини бирлаштилади. Завод Туркиянинг энг сўнгги русумдаги ускуна ва дастгоҳлари билан жиҳозланган.

Шолчилик кластерида 500 та доимий иш ўрни яратилган.

— Шолни етиштириш мазкур кластернинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади, — деди "TCT Cluster" бош директори Феруз Ақобиров. — Жорий йилда "TCT Rice" кластери томонидан 2,5 минг гектардан ортиқ ерда шолнинг "Лазурний", "Искандар", "Мустақиллик", "Тарона" навлари экилиб, ноқулай об-ҳаво шароити, айниқса, вегетация даврида қуриштирилган сув танқислигига қарамаздан, мўл ҳосил олинди. Америкадан олиб келинган яқори унумли 37 та комбайн ёрдамида шолни

ва ғаллани сифатли ўриб-йиғиб олишга эришдик. Бу йил ҳисобидида 10 минг тоннага яқин шолни йиғиштириб олиниб, омборларга захира раб қўйилди. Эндликда уларни янги қурилган заводда замонавий ускуналар ёрдамида қайта ишлаб, қадоқланган ҳолда экспорт қилиш кўзда тутилган. Ҳозирги вақтда завод бир мавсумнинг ўзида 25 минг тоннадан 40 минг тоннагача маҳсулотни қайта ишлаш олади. Истиқболда унинг иккинчи босқичи ҳам ишга туширилгач, қуввати 2 баробар ортади.

Давоми 2-бетда

## Интервью

### ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ ЛОЗИМ

Ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида табиий бойликларнинг ўрни бекиёс. Табиат инъом этган улкан захирадан оқилона фойдаланиш, қайта ишлаш, соҳага инвестиция оқимини киритиш долзарб аҳамиятга эга.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида ўтказилган йиғилишда геология соҳасини модернизация қилиш, инвестициялар жалб этиш ҳамда геология-қидирув ишларини кенгайтириш масалалари атрофича муҳофизат этилди.

Давоми 2-бетда

## Обод манзиллар

### ЯНГИЛАНАЁТГАН СИРДАРЁ:

## ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ ЙЎЛИДАГИ АМАЛИЙ ИШЛАР

Президентимиз ўтган йили Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида Ховос туманида ҳам бўлиб, замонавий шаҳар қурилиши бош режаси билан танишган, уни янада такомиллаштириш борасида зарур кўрсатмалар берган эди. Кўп ўтмай 42 гектар ҳудудда "Ховос сити" қурилиши жадал бошлаб юборилди.



Ханим Йўлдошев олган суратлар.

Бу ерда маҳаллий ҳокимлик ва бошқарув органлари, Давлат хизматлари агентлиги, тижорат банклари, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш муассасалари, истироҳат боғи, хотира майдони, кинотеатр, бозор, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, кўп қаватли 30 та уй қурилиши режалаштирилган.

— Кейинги 50 йилда шаҳарчада бирорта ҳам кўп қаватли уй қурилмаган эди. Мана, яқинда 305 та эски хонадон бузилиб, аҳоли янги уйларга кўчирилди, — дейди Ховос тумани ҳокими ўринбосари Санжар Пўлатов. — Аслида бу уйлар мамлакатимиздаги энг арзон кўп қаватли турар жой мажмуаси ҳисобланади.

Уларнинг 3 хоналиги 160 миллион сўм, 2 хоналиги 140 миллион сўм бўлиб, 20 йил муддатга кредитга олиш ҳам мумкин.

Янги шаҳарчада Меҳнат ва бандлик қўмақлаш маркази, Халқ банки, кадастр хизмати, туман электр тармоқлари корхонаси, туман ҳокимлиги бинолари, аҳоли дам олиш маскани, хотира майдони мажмуаси каби қатор объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Кўп қаватли уйлар атрофида 29 та тандирхона, 8 та болалар майдончаси қуриб берилди. 2020-2021 ўқув йили арафасида математика фанини чуқур ўргатишга ихтисослашган

350 ўринли замонавий мактабнинг фойдаланишга топширилгани ховосликларнинг дилидаги иш бўлди.

— Илгари Эски Ховосдаги "Дўстлик" маҳалласида яшардик. Уйимиз бузилган, "Ховос сити"дан 3 хонали хонадон беришди. Шароитлар яхши, иссиқ ва совуқ сув бор, газ, электр таъминотида узилтиш йўқ. Рафиқам шаҳарчамиздаги 4-МТТда ишлаяпти, ўзим Ёшлар ишлари агентлиги Ховос тумани бўлими ходимиман, — дейди Сулаймонбек Пўлатов миннатдорлик руҳида.

Давоми 2-бетда

## Дунё нигоҳида

### ЎЗБЕКИСТОН ТАИЛАНДГА ДУККАКЛИ ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙДИ

Мамлакатимиз Бош консулхонаси Ўзбекистоннинг мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи етакчи компанияси — "Global Export"га биринчи марта Таиландга дуккакли экинларни етказиб бериш бўйича 2020 йил охирига қадар 1 миллион доллар қийматидаги шартнома тузишда ёрдам кўрсатди.

Жорий йил ноябрь ойининг биринчи ярмида 260 минг долларлик ана шундай маҳсулотлар экспорти амалга оширилди.

Йилнинг охирига қадар шартноманинг тўла ҳажмида бажарилиши кутилмоқда. Томонлар 2021 йилги ҳосилдан 1000 тоннагача маҳсулот етказиб бе-

риш бўйича янги битимни имзолашга тайёрглигини билдирди.

Таиланд бизнеси вакилларининг фикрича, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати, ажойиб таъми, қадоқлаш ўлчамлари ва стандартларига мувофиқлиги келгуси йилларда Таиланд бозорига экспорт хилма-хиллигини кенгайтириш учун яхши имконият яратади.

Бангкок

"Дунё" АА

## Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади

### МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бундан йигирма йиллар олдин кучга кирган "Таълим тўғрисида"ги қонун ўз даврида муҳим ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш вазифасини ўтаган бўлса-да, ҳозирги инновацион ривожланиш, рақамли иқтисодиёт ҳамда электрон мулоқотга асосланган ижтимоий ҳаёт масалаларини ечишнинг, таълим сифатига қўйилаётган ҳозирги талабларни таъминлашнинг қонуний замини бўлиш миссиясини бажара олмай қолди.



Давоми 5-бетда

Интервью

ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ ЛОЗИМ

Бошланғичи 1-бетда



Бобур ИСЛОМОВ, Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси раиси:

— Давлатимиз раҳбарининг геология фанлари университетининг қурилиш майдонида ташириш чоғида фаолиятимизга доир кўплаб вазибалар белгилаб берилган эди. Танқидий руҳда ўтган бугунги йилда шу топшириқларнинг ижроси қатъий қўриб чиқилди ва галдаги амалга ошириладиган ишларимиз асосий тўртта йўналишга бўлинди.

икки йиллик режада олтин захираларини 20 фоизга, қумуш захираларини икки ва мис захираларини уч баробар ошириш режалаштирилмоқда. Айтиш кераки, сўнгги йиллар мобайнида амалга оширилган ишлотлар самарасида захиралар кўлами кенгайди.

Асосий йўналишлардан яна бири геология соҳасига бозор принципларини жорий қилишдир. Бунда 12 та йирик ташиқлотнинг трансформация қилиб, янги корпоратив бошқарувни йўлга қўйиш маҳсулот ёки хомашёнинг таннархини тушириш ва сифатини ошириш имкониятини беради.



Шамсиддин АЛИМОВ, Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари:

— Ноанъанавий геология ишлари, янги техника, технологияларни қўлланган ҳолда Арнаосой, яъни Жиззах худудидан уран объектларини топдик. Айни пайтда замонавий модернизация ҳисоби олган азэрогеофизика ускунасини вертолётда учуриб, майдон аномалиясини кўтариб, ер устида қиладиган уч йиллик ишимизни қарийб бир-икки ойга бажаряпмиз. Бунинг натижасида йил-

нинг бошида Чотқол-Қурама худудида ўн иккита янги истиқболли структурани аниқлади.

Йил бошида Президентимиз ушбу топилган майдонларда геология-қидирув ишларини жадаллаштириш топширигини берган эди. Ана шу вазибалар ижроси доирасида бу ерда қидирув-бурғилаш ишларини олиб бордик. Натижада еринг тагида 100-160 метрлик маъданли структура аниқланди. Азэрогеофизика усулини қўллаган ҳолда эса Навоий вилояти тоғ тизмаларидаги истиқболли майдонларда мис олиш имкониятимиз бор.

Айни пайтда бурғилаш ишлари метроқда. Шу кунгача ўртача 6 минг метрдан ортик бурғилаш ишлари бажарилди. Дастлабки натижалар бўйича ўртача ҳисобда 25 тоннадан ортик ресурс олиш мўлжалланган.



Шухрат ВАФОБЕВ, Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири ўринбосари:

— Албатта, бугунги йилда эътибор қаратилган соҳа охири йилларда муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Геология тизимида замонавий технологияларни қўллаш натижасида еростини бўйлиқлари, тилла, қумуш, вольфрам ва бошқа

ноёб металлар захиралари кўпайди. Бу ўз навбатида, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга шараит яратяпти.

Аммо давлатимиз раҳбари ушбу металларни ишлаб чиқариш кўрсаткичларини кўпайтириш билан чекланиб қолмасдан, уларни қайта ишлаб, экспорт қиладиган, қўшимча қийматга эга, янги иш ўринлари яратадиган корхоналарни ташкил этиш вазирасини қўйди. Бу вазибаларни бажариш учун янги технологиялар, билим ва малака керак бўлади. Шунингдек, чет эл инвестицияларини жалб қилиш талаб этилади. Шу жиҳатдан, Президентимиз соҳада инвесторлар улушини ошириш, фойдали қазилма майдон ва конлар жойлаштирилган аукционга чет эллик сармоядорларни кенг жалб этиш бўйича бир қатор топшириқлар берди. Биз бу вазибаларни бажаришга киришамиз.

Обод манзиллар



Бошланғичи 1-бетда

ЯНГИЛАНАЁТГАН СИРДАРЁ: ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ ЙЎЛИДАГИ АМАЛИЙ ИШЛАР

Гулчирои ИСОҚОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Кўп қаватли уйлар атрофи кўркам, яшаш учун қулай. Аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туманда 100 мингга яқин аҳоли бўлса, уларнинг 36 минга яқини Ховос шаҳарчасида яшайди. Аксарияти иш билан таъминланган. Кўп қаватли уйларга кўчиб келган аҳоли янги иш бошлаган қандолатчилик чеки, тикув фабрикасига ишга жойлашган. Жумладан, “Textile fashion” корхонаси 200 хотин-қизни иш билан таъминлади. Бу ерда яна 100 та иш ўрни яратиб режалаштирилган. Асосан, болалар кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона маҳсулотлари экспортга ҳам чиқарилади.

уйларда яшадик. — дейди Сафаркам, яшаш учун қулай. Аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Умуман олганда, карантин шароитида ҳам туманда кенг қамровли ишлотлар амалга оширилмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш ва бошқа ижтимоий-маиший соҳалардаги масалалар ҳам доимий эътиборда. Бу каби бунёдкорлик ишларини Мирзаобод туманидаги “Янги Ўзбекистон” маҳалласида ҳам қўришимиз мумкин. Узгаришлар кўзини қувватлади.

рига асфалт ётқизилган. Болалар майдончаси барпо этишга, ичимлик сув таъминотини яхшилашга қарамай, Қозғистонга ишлаш учун кетган эди. Афсуски, ўша ерда вафот этди. Хукумат ёрдами билан дафн этдик. Утган йили Президентимиз Ховосга келганида шароитларимизни ўрганиб, уй, иш билан таъминлаш ҳақида топшириқ берган эди. Худода шукр, кўп ўтмай ҳеч қандай тўловсиз 3 хонали уй ажратилди. Тикув машиниси соғва қилишди. Ҳозир касаначилик билан шуғулланяман. Бу йил шартнома асосида пахта териб, салкам опти миллион сўм даромад қилдик. Шу пулга помидор ва бодиринг етиштириш учун ҳовлимизда иссиқхона қўрдик. Иссиқхонамиздан фойдаланишни бошласак, турмушимиз янада яхшиланади.

— Янги кўчиб келган оилаларга кўриб, шароитлари, қизиқишларини ўрганяпмиз. Қўни кенча 3 та оиллага тикув машиниси бердик. Улар уйда ноғирон фарзанди, турмуш ўртоғи борлиги сабабли бирор корхонага бориб ишлаб олмади. Шунинг учун уйдаги ҳаракати билан оила ҳаражатларини қоплаб туради. — дейди “Бунёдкор” маҳалласи раиси Баҳодир Толипов. Шу маҳаллада кўчама асфалт-бетон заводи қурилиши ҳам яқинланиди. Замонавий завод 1 соатда 120 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга, 12 киши иш билан таъминланган.



Кўп қаватли уйлар атрофи кўркам, яшаш учун қулай. Аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туманда 100 мингга яқин аҳоли бўлса, уларнинг 36 минга яқини Ховос шаҳарчасида яшайди. Аксарияти иш билан таъминланган.

Маълум бўлишича, бугунги кунда Эски Ховос шаҳарчасида 78 та ички қаватли уй таъмирланиб, атрофи ободлаштириш ишлари бажарилган. Туман маркази кўчалари, янги қуриладиган кўп қаватли уйлари кириш ва ички йўлак-

моқда, аҳоли иш билан таъминланмоқда. Ҳозирча 184 километр йўл, 19 та кўприк, 66 километр узунликда газ қувурлари тортилди. 89 километрлик ичимлик сув, 7,9 километрлик оқова сув тармоғи, 11 та муҳим жиҳат — еринг мелиоратив ҳолати, те-

Замонавий кластер



ДАЛАДАН — ЭКСПОРТГАЧА ЎЗБЕКИСТОНДА ШОЛИНИ ҚАЙТА ИШЛОВЧИ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭНГ ЙИРИК ЗАВОД ОЧИЛДИ

Бошланғичи 1-бетда

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ШОЛИ ЯНГИЧА УСУЛДА ҚУРИТИЛАПТИ

Кластерда аввалги йиллари етиштирилган шоли қуёшда қуритилиб, оқик усулда сақланган ҳисобига ёгингарчилик вақтида маҳсулотнинг катта қисми йўқотилар эди. Ана шу муаммоларга чек қўйиш мақсадида бу йилдан янги технология қўлланила бошланди. Шолени тазалайдиган ва қуритадиган турт линияли цех мўқобил ёқили — кўмирда ишлашга мослаштирилган. Цехда бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили, хусусан, дўқакли маҳсулотларини ҳам тазалаш ва қуритиш мумкин. Қуритиш жараёнидан сўнг ҳар бири 1 тонналик махсус қопларга жойланган шолни омборларга пешма-пеш жойлаштирилади. Ана шу босқичнинг ўзиёқ ҳосили яхши сақлаш ва юқори сифатли гуруч ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Қопларга жойланган шоли узоқ вақтгача сифатини йўқотмайди. Турли қўшимчалардан тазаланган, намлик даражаси белгиланган мезёр — 14 фоизга етказилган шолни исталган вақтда чуқур қайта ишлаш заводида олиб бориб, гуручга айлантириш мумкин. Заводда барча технологиялар занжир каби бир-бирига боғланган бўлиб, худди соатдек аниқ ишлайди. Бир неча босқичларда саралаб олинган оқ гуруч яна бир бор тазалаш тестидан ўтади. Охири жараёнда эса агар зарур бўлса, ёғланади. Шоли технологик жараёнга кириб, чиқиб кетганга қадар жами 3 мартабга сифат бўйича назоратдан ўтказилади. Замонавий технология ёрдамида олинган энг юқори навадги гуруч маҳсулотлари буюртмачининг талабига кўра сизими 2 килограммдан то 50 килограммгача бўлган махсус қопларга қадоқлаб берилди.

ТУМАН АҲОЛИСИ САНОАТ ЗАНЖИРИНИНГ БИР ҚИСМИГА АЙЛАНМОҚДА

Олимларнинг таъбири билан айтганда, маҳсулот навининг ёмони бўлмайти, фақат уни эктиш ва етиштиришда агротехник тадбирларни тўлиқ ва ўз вақтида ўтказиш керак, холос. “TCT Cluster”да нафақат шоли, балки пахта, бўғдой ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда амалиёт ҳамда илм-фан интеграциясини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилади. Кластер қошида илмий-техник кенгашининг ташкил қилиниши шу йилнинг ўзидаёқ самарали натижасини кўрсатди. Хусусан, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилидаги “TCT Agro Cluster” корхонасида икки йилдан буён синов тариқасида “Бухоро-8”, “Бухоро-102” ғўза навлари экиб келинади. Бу йил янги яратилган “Бухоро-10” навидан биринчи теримнинг ўзидаёқ 43 центнер ҳосил олинди.

ниқ таъминот ҳамда ишчи кучини ўрганганимиз. Маҳсулотни ерга қадашдан олдин, албатта, тупроқнинг таркиби, худуддаги зарарли касаллик, ҳашаротлар тарихи ва пайдо бўлиши мумкин бўлган омилар ўрганилади, ердаги ҳаракатчан элементларнинг таркибий ўзгариши жараёни кузатилади. Ҳосилдорлик юқори бўлиши учун эса суғориш, ўғитлаш, қатор орасига ишлов бериш каби тадбирларда адашмаслик керак. Шунингдек, жараёнга замонавий технологиялар, рақамли ускуналарни жорий қилмасдан туриб қишлоқ хўжалигини ривожлантира олмайдим. Биргина фермер ёки деҳқоннинг ўзи буларнинг барини таъминлай олмайди, кластерда эса бунга имконият ва шараит яратилиши ҳисобига сифатли ҳамда мўл ҳосилдорликка эришилади.

Ҳақиқатан, кластер фаолиятининг йўлга қўйилиши натижасида Қуйичирик туманида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш кўрсаткичи ва ҳосилдорлик йил сайин ортиб бормоқда. Бу йил пахтадан яхши ҳосил олиниб, ундан бўшаган ерлардан унумли фойдаланиш мақсадида мош, картошка, сабзавотлар экилди. 3,5 гектар майдонга қадалган мошчи талаб юқори бўлган Хитой ва бошқа давлатларга экспорт қилиш кўзда тутилган.



буларга кирмаган. Далалар, ер майдонларидан унумли фойдаланилмаган. Шунга қарамай, жамоа катта меҳнат эвазига кластер ташкил этиб, бу усул худудлар ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг самарали йўли эканини исботлади.

— Кластер ташкил этишдан асосий мақсад қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан тортиб бозорга чиқаришгача бўлган жараёни қамраб олишдан иборат. — деди Муртазо Раҳматов. — Фермер фақат маҳсулот етиштирса, кластер уни ҳам эклади, ҳар таради, ҳам қайта ишлаб, юқори сифатли маҳсулотга айлантиради. Масалан, 1 килограмм пахта 1,5 долларга сотиладиган бўлса, кластер уни чуқур қайта ишлаб, 15-30 долларлик тайёр маҳсулот ҳолига келтиради. Бу эса нафақат мамлакат иқтисодини ривожлантириш, балки кўпроқ одамларни иш билан таъминлашга замин яратди. Биргина



мисол, авваллари Қуйичирик туманида қишлоқ хўжалиги соҳасида 850 киши ишлаган бўлса, ҳозир кластер тизимида 8,5 минг киши меҳнат қилаяпти. Жаммаси ишга яраша, ўз вақтида маош оляпти. Ишини 2 баробар бажарганларга ойлук ҳам 2 баробар туланади. Асосийси, биз одамларни ер билан боғлаб, унга оғир меҳнат тури эмас, балки даромад манбаи сифатида қарашга замин яратяпмиз. Шу тарика юртимизда қишлоқ хўжалигини санатлаштиришимиз, қишлоқларни обод қиламиз, қўшимча қиймат занжирини яратиб, соҳада ишчи кучи меҳнатини енгилаштиришимиз.

Худудда яратилган иш ўрнидан одамлар ҳам мамнун. Утган йили кластерга тегишли даладарда пахта теримиде ишлаган 5,5 минг кишининг 3,5 минг нафари турли вилоятлардан келган бўлса, бу йил Қуйичирикнинг ўзидан 5 минг аҳоли ишга чиқди.

Кластер таркибидеги шолени қайта ишлаш заводининг ишга туширилиши билан яна 80 ки-

шини доимий иш билан таъминлаш кўзда тутилган. “TCT Rice” кластери жамоаси ўз маҳсулотларини қайта ишлаб бўлган, вилоятдаги бошқа фермер ва деҳқон хўжалиқлари билан қайта ишлаб бериш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятида.

Дарвоқе, корхонада замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лаборатория фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Бу ерда қабул қилинаётган шолининг намлиги, қуритиш ва қайта ишлаш жараёнари, шунингдек, гуруч маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари доимий назорат қилиб борилади. Бир сўз билан айтганда, шолени даладан йиғиб олиб то истеъмолга қулай шаклга келтирунча қадар бўлган жараёни тўлиқ амалга ошираётган “TCT Rice” кластери халқимиз дастурхонига энг тоза ва сифатли гуруч маҳсулотларини етказиб бериши мақсад қилган.







